

Укувчининг исм-фамилияси _____ синфи _____

1-қисм**№1.** Луғатларнинг тузилишининг ўргатувчи бўлим.

- а) лексикология б) этимология в) фразеология г) лексикография

№2. Тиниш белгиларини тўғри қўллаш қодалари тилшуносликнинг қайси соҳаси ҳақида баҳс юритади?

- а) стилистика б) орфография в) пунктуация г) орфоэпия

№3. Қайси хусусият барча сўз туркумларига хос?

- а) луғавий маънога эгалик б) грамматик маънога эгалик
-
- в) синтактик вазифа бажариш г) тўғри жавоб йўқ.

№4. Нуқталар ўрнига мос келишиқ қўшимчасини қўйинг: *Ҳаёт боқий эрур, қуёш абадий, қуёш... кўкарган ниҳоллар боқий.*

- а) қаратқич келишиги б) жўналиш келишиги
-
- в) чиқиш келишиги г) тушум келишиги

№5. –га, -ни, -дан қўшимчаларнинг номи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) эгалиқ қўшимчалари б) келишиқ қўшимчалари
-
- в) сифат ясовчи қўшимча г) от ясовчи қўшимча

№6. Лексикология тилшуносликнинг қайси соҳаси ҳақида баҳс юритади?

- а) сўз таркиби ва гап бўлақлари ҳақида
-
- б) сўзларнинг келиб чиқиши ҳақида
-
- в) тилнинг луғат таркиби ҳақида
-
- г) тилнинг товуш томони ҳақида

№7. Нуқталар ўрнига қайси қўшимчани қўйиш мумкин?

Болалар ҳозир чинор тагида ўйна... тилар.

- а) –гап б) – ди в) – яп г) –моқда

№8. Тилдаги барча сўзлар йиғиндиси... .

- а) шевага хос сўзлардир б) умумхалқ ишлатадиган сўзлардир
-
- в) янги сўзлардир г) тилнинг луғат таркибидир

№9. Ўзақда товуш ўзгариши юз берган сўзларни аниқланг.

- а) тўнинг, имтиҳоним, якуни б) қадимим, қўлами, ками
-
- в) меҳнатимиз, афтим, тафти г) ўрним, кўнглим, бўйни

№10. Буюм-нарсани оти ясовчи қўшимчали сўзни аниқланг.

- а) синфдош б) гулзор в) курак г) сувчи

№11. Ўрин-жой оти қатнашган гапни топинг.

- а) Олмазор гулга бурқанди. б) Аҳмаднинг опаси-тикувчи.
-
- в) Ям-яшил дарахтлар кўринди. г) Вали кутубхонага кирди.

№20. Матнга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?

Матн 2.

Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.



Хурмо

Хурмо — кузги сеvimли мева, кимдир унинг юмшоқ ва серсувини ёқтирса, яна кимдир қаттиқ ғўрини афзал қўради. Умуман олганда, хурмони ардоқловчилар етарлича. Хурмо алоҳида қадрланишининг асл сабаби шундаки, у йилнинг аксарият резаворлар ва мевалар тугай бошлаган ёки иссиқ шароитда ўстирилганлари ҳақиқий фойда бера олмай қолган совуқ даврида бизни етарли даражада витаминлар билан таъминлай олади.

Хурмо таркибида глюкоза, сахароза, йод, магний, кальций, марганец ва темир бор. Шунингдек, онкологик касалликларнинг олдини олувчи А, томирлардаги мўртликни камайтиришга хизмат қилувчи Р, умумий мустаҳкамловчи хусусиятга эга С витаминлари мавжуд. Унда яна овқат ҳазм қилиш жараёни учун фойдали бўлган пектиннинг катта миқдорини учратишимиз мумкин. Шунинг учун ҳазм тизими бузилиши ҳолатларида тавсия этиладиган парҳезнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Хурмони совуқ сув ва сут билан бирга ейиш мумкин эмас. Бу бирикма ҳазм бўлмайди ва ошқозон бузилишига олиб келади.

Агар ҳамма ҳам тўғри танлашни билганида эди, бу меванинг мухлислари анча кўпроқ бўлган бўларди. Меванинг юқори сифатли нави силлиқ, усти қалин ва тўйинган рангга эга бўлади. Юмшоқлиги унинг етилганидан далолатдир. Пишмаган ҳосилда танин кўп, шунинг учун ҳам тахир маза беради. Демак, хурмохўрлик қилишдан аввал у хона хароратида етилиб, юмшашини кутиш керак.

№21. Хурмо алоҳида қадрланишининг асл сабаби нима?

- а) сувли мева булгани учун.
- б) бизни етарли даражада витаминлар билан таъминлай олади.
- в) совуқ ҳароратга чидамлилиги учун.
- г) ширин мева булгани учун.

№22. Хурмода овқат ҳазм қилиш жараёни учун фойдали бўлган қайси витаминнинг катта миқдорини учратишимиз мумкин?

№23. Хурмони қандай танлаш керак? Фикрингизни ёзинг.

№24. Хурмо ҳақидаги топишмоқни топинг.

- а) Ош ичида тош, тош ичида ош
- б) Бир қоп ун, ичида устун
- в) У ёғи тоғ, бу ёғи тоғ, ўртасида сариғ ёғ
- г) Маллагина бўйи бор, сувли, тотли таъми бор